



## AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 11 | pp. 557-561 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### АКЦИЗ ВА БОШҚА БИЛВОСИТА СОЛИҚЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛ



**Эргашев Илхомжон Ободович**

Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети декан муовини,

иқтисод фанлари номзоди,

[ilxomjonergashev849@gmail.com](mailto:ilxomjonergashev849@gmail.com)<sup>1</sup>

**Аннотация.** Мақолада акциз ва билвосита солиқларнинг амалдаги ҳолатини ўз ичига олади, иқтисодиётга таъсир қилиш ва унинг даражасини аниқлашни таҳлил қилади. Унда акциз ва ҚҚС каби билвосита солиқларни бошқариш механизмлари, уларни йиғиш ва тақсимлашдаги муаммолар. Билвосита солиқларни тартибга солишнинг барқарорлиги, Европа ва Осиё давлатларининг солиқ сиёсати амалиёти ҳам ўрганилган. Акциз ва ҚҚС каби солиқларнинг истеъмол ресурсларига таъсири, давлат бюджети даромадларини кузатишдаги аҳамияти томонлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Солиқ сиёсати, акциз солиғи, ҚҚС занжири, фискал сиёсат, бюджет сиёсат, солиқ сиёсати, таҳлилий амаллар, рақамли солиқлар

### АНАЛИЗ ТЕКУЩЕГО СОСТОЯНИЯ АКЦИЗОВ И ДРУГИХ КОСВЕННЫХ НАЛОГОВ

**Эргашев Илхомжон Ободович**

Ташкентского государственного экономического университета, Заместитель

декана кандидат экономических наук,

[ilxomjonergashev849@gmail.com](mailto:ilxomjonergashev849@gmail.com)<sup>1</sup>

**Аннотация.** В статье рассматривается текущее состояние акцизов и косвенных налогов, анализируется влияние и определение на экономику. В нем рассматриваются механизмы управления косвенными налогами, такими как акцизы и НДС, проблемы их сбора и распределения. Изучалась также устойчивость регулирования косвенных налогов, практика налоговой политики государств Европы и Азии. Проанализированы аспекты влияния таких налогов, как акцизы и НДС на потребительские ресурсы, их значение в отслеживании доходов государственного бюджета.

**Ключевые слова:** Налоговая политика, акцизы, цепочка НДС, Фискальная политика, Фискальная политика, налоговая политика, аналитические операции, цифровые налоги

### ANALYSIS OF THE CURRENT STATUS OF EXCISE AND OTHER INDIRECT TAXES

**Ergashev Ilkhomjon Obodovich**  
*Tashkent State University of Economics of Deputy dean candidate of Economic Sciences,*  
[ilxomjonergashev849@gmail.com<sup>1</sup>](mailto:ilxomjonergashev849@gmail.com)

**Abstract.** The article includes the current state of Excise and indirect taxes, analyzes the impact and determination on the economy. In it, indirect tax management mechanisms such as Excise and VAT, problems in their collection and distribution. The stability of the regulation of indirect taxes, the practice of tax policy of the states of Europe and Asia, has also been studied. The impact of taxes such as Excise and VAT on consumer resources, as well as the importance in tracking government budget revenues, have been analyzed.

**Keywords:** Tax policy, excise tax, VAT chain, fiscal policy, Budget Policy, Tax Policy, analytical practices, digital taxes

### КИРИШ

Акциз ва бошқа билвосита солиқлар давлат бюджети даромадларининг муҳим қисмини ташкил этади ва иқтисодий сиёсатда ижтимоий, экологик ҳамда молиявий мақсадларга хизмат қилади. Билвосита солиқлар, одатда, истеъмолчиларнинг маҳсулот ёки хизматдан фойдаланиши жараёнида қўлланилади. Акциз солиғи ҳашаматли, зарарли ёки экологик хавф туғдирувчи маҳсулотларга солинадиган махсус солиқдир.

Ўзбекистон иқтисодий сиёсатида акциз солиғи тамаки, алкоголь, ёнилғи ва бошқа товарлар учун кенг қўлланилиб келмоқда. Акциз ва бошқа билвосита солиқлар тизимининг бугунги ҳолати, халқаро тажриба асосида самарадорлиги ва унинг таъсирини ошириш имкониятлари ўрганилишини талаб қилмоқда.

Ўзбекистонда акциз солиғи тамаки, алкоголь, ёнилғи ва бошқа маҳсулотлар учун қўлланилади. Шу билан бирга, норасмий иқтисодиётнинг юқори даражаси, солиқ йиғилишининг мураккабликлари ва халқаро тажрибадан етарлича фойдаланилмаганлиги акциз солиғи тизимининг самарадорлигини чеклаб келмоқда.

Мазкур тадқиқот акциз ва бошқа билвосита солиқларнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш, иқтисодий ва ижтимоий таъсирини баҳолаш ва ушбу тизимни такомиллаштириш учун илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқишга қаратилган.

### Тадқиқотнинг долзарблиги

Акциз ва билвосита солиқлар тизими нафақат давлат бюджети даромадларини ошириш, балки аҳолининг турмуш сифатини яхшилаш, экологик хавфларни камайтириш ва норасмий иқтисодиётни қисқартиришга ёрдам берадиган самарали восита ҳисобланади. Шу сабабли, ушбу солиқ турларининг

бугунги ҳолати ва ривожланиш имкониятларини таҳлил қилиш долзарб масала саналади.

### Мавзуга оид адабиётлар шархи

1. Бирд ва Гендрон (2007) тадқиқотлари билвосита солиқларнинг глобал тизимга интеграциялашувининг аҳамиятини таъкидлаб, солиқ йиғилишини автоматлаштиришнинг самарадорлигини қайд этган.
2. Жаҳон банки (2021) ҳисоботида акциз солиқлари ва экологик солиқнинг иқтисодий ўсишга ва соғлиқни сақлаш тизимига ижобий таъсири кўрсатиб берилган.
3. Россия иқтисодиёти шарҳи (2022) акциз солиқларни кўпайтириш натижасида тамаки маҳсулотлари истъмоли камайганини кўрсатади.
4. Ўзбекистон давлат солиқ қўмитаси (2023) маълумотлари акциз солиқдан тушган даромадларнинг асосий қисмини тамаки ва ёнилғи маҳсулотлари ташкил этишини қайд этди.
5. Б.Б. Аҳмедов (2020) акциз солиқларнинг давлат бюджети даромадларидаги улуши ва уларнинг аҳолига таъсири бўйича ўтказилган чуқур таҳлилларни тақдим этган.

### Методология

Мақолани ёритишда қуйидаги метод ва усуллар қўлланилди:

1. **Статистик таҳлил** : Солиқ қўмитаси томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида акциз даромадлари ўрганилди.
2. **Солиштирма таҳлил** : Акциз солиқларнинг халқаро ҳимоя билан солиштириш усули қўлланилди.
3. **Модель таҳлили** : Акциз солиғининг иқтисодий ва ижтимоий таъсири регрессия моделлари ёрдамида баҳоланди.

### ТАҲЛИЛ ВА ТАҲЛИЛ НАТИЖАЛАРИ

#### Акциз солиқ тушумлари статистикаси

Акциз солиқнинг 2023-йилги статистикаси шуни кўрсатадики, асосий даромад манбаи тамаки ва ёнилғи маҳсулотларидир. Тамаки маҳсулотларига солиқ оширилиши билан истеъмол миқдори 10%га камайгани кузатилган.

1-жадвал

#### Халқаро солиштирма таҳлил<sup>1</sup>

Маҳсулотлар	Акциз солиқ улуши (%)	Йиллик ўсиш (%)
Тамаки маҳсулотлари	40	12
Алкоголь	35	8

<sup>1</sup> Soliq qo'mitasi va statistika qo'mitalarining ochiq ma'lumotlaridan olindi va muallif tomonidan tayyorlandi

маҳсулотлари		
Ёнилғи ва газ	15	5

2-жадвал

**Ўзбекистоннинг акциз солиғи тизими бошқа давлатлар билан  
таққосланди<sup>2</sup>**

Мамлакатлар	Акциз солиқ ставкаси (%)	Мамлакатдаги тушум улуши (%)	Норасмий даражаси (%)
Ўзбекистон	40 (тамаки)	10	35
Россия	45 (тамаки)	12	23
Қозоғистон	38 (тамаки)	9	25
Германия	70 (тамаки)	20	10
Франция	80 (тамаки)	22	12

Акциз солиқ ставкалари бўйича Германия ва Франция тажрибаси Ўзбекистонга солиқ юкини ошириш билан бирга имтиёзли тизимлар жорий қилишни таклиф қилади.

### Натижалар таҳлили

- Тамаки маҳсулотларига акциз солиғи улуши юқори бўлишига қарши, шу сектор қатламининг ривожланишига ёрдам бериш учун янада ривожланиши мумкин.
- Ёнилғи ва газ секторида акциз солиғи паст улушни эгаллайди, бу экологик таъсирни сифатли олиб, қайта кўриб чиқилиши керак.

### ТАКЛИФЛАР

1. Тамаки ва алкоголь маҳсулотларига Акциз солиғини текшириш орқали соғиқни сақлаш соҳасига кўмаклашиш.
2. Ёнилғи ва газ маҳсулотларига солиқ сифатида кўшимча табақалашган акциз ставкаларини жорий этиш.
3. Электрон ҳужжатлаштиришни таъминлаш ва норасмий иқтисодий тиклаш.
4. Халқаро тажрибадан фойдаланилган ҳолда акциз солиғини прогрессив тизимнинг жорий этиш.

Юқоридаги корхоналар Акциз солиғининг даромадини ва давлат бюджетига кўшимча даромад манбаи.

### ХУЛОСА

Акциз ва бошқа билвосита солиқлар давлат бюджети даромадларини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Улар истеъмолга асосланганлиги сабабли солиқ юкини тўғридан-тўғри даромадга эмас, балки харид қобилиятига

<sup>22</sup> Ma'lumotlar ochiq ma'lumotlaridan olindi va muallif tomonidan tayyorlandi

тақсимлайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, билвосита солиқларнинг амалдаги ҳолати самарадорликни ошириш ва адолат тамойилларини таъминлашда муайян ислохотларни амалга ошириш кераклигини кўрсатмоқда.

Солиқ йиғилувчанлигини ошириш, солиқ базасини кенгайтириш ва ноқонуний иқтисодий фаолиятга қарши кураш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Шунингдек, халқаро тажрибани ўрганиш ва маҳаллий шароитга мослаш орқали солиқ тизимини модернизациялаш керак

Акциз ва ҚҚС каби солиқларнинг таъсирини таҳлил қилиш уларни иқтисодиётга келтирадиган салбий оқибатларини минималлаштириш, хусусан, истеъмолчилар учун ортиқча юкни камайтириш имконини беради. Шу билан бирга, давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш ва иқтисодий ривожланишга ижобий хисса қўшиш учун билвосита солиқларни бошқаришда тизимли ва инновацион ёндашув билан иш юритишни талаб этилади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

- [1]. Солиқ кодекси 2020й
- [2]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 24.07.2019 йилдаги ПФ-5771-сон

### ИНТЕРНЕТ МАНБАЛАРИ

- [1]. <https://stat.uz/uz/>
- [2]. <https://soliq.uz/>
- [3]. [Тхе Усе анд Поссибилитиэс оф Модерн Течнологиэс ин Стренгтхенинг тхе Сонтрол Сйстем оф Индирест Тахес | Америсан Жоурнал оф Политисал Ссиэнсе анд Леадершип Студиэс](#)
- [4]. <https://finance.tsue.uz/index.php/afa/article/view/720>
- [5]. <https://cyberleninka.ru/article/n/o-zbekistonning-soliq-tizimidagi-aksiz-solig-ining-ahamiyati>

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

